

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАНИШИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-457-466>

**Қодиров Нажмиддин Неъматович**

тарих фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси муdiri

e-mail: [n.qodirov@tsue.uz](mailto:n.qodirov@tsue.uz)

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки кунларидан бошлаб бугунги кунгача бўлган йилларда босқичма-босқич Республика ривожини ва уни жаҳон ҳамжамиятига изчил интеграцияси баробарида фуқаролик жамиятининг институционал асосларини мустаҳкамлашни борини жараёнлари илмий тадқиқ этилган.*

**Калит сузлар:** фуқаролик жамияти, ижтимоий институт, ижтимоий тузулма, сиёсий маданият, фуқаролик онги, жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье с первых дней независимого развития и по сегодняшний день научно исследован процесс укрепления институциональных основ гражданского общества наряду с постепенным развитием Республики и его последовательной интеграции в мировое сообщество.*

**Ключевые слова:** гражданское общество, социальный институт, социальная структура, политическая культура, гражданское сознание, общественный контроль, социальное партнерство.

### ABSTRACT

*In this article, from the first days of independent development to the present day, the process of strengthening the institutional foundations of civil society along with the gradual development of the Republic and its consistent integration into the world community has been scientifically studied.*

**Keywords:** civil society, social institution, social structure, political culture, civic consciousness, public control, social partnership.

### КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ёшларнинг фаоллигини

оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки ҳамда уларнинг институционал асосларини шаклланишининг долзарб муаммоларини ҳолисона тарихий жиҳатларини ўрганиш, унинг ривожланиш тенденцияларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий аҳамиятини фактологик асослаш устувор илмий йўналишига айланди ва бу борада тарихчи олимлар томонидан муайян илмий тадқиқотларга амалга оширилди. Зеро, фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларининг шаклланишини ўрганишга доир сиёсий қарашлар тизимини илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилиш, уни амалий ҳаётга жорий этиш зарурати долзарб аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик жамияти ва унинг институционал асосларини илмий ўрганиш муаммоси янги тараққиёт босқичида Ўзбекистон илмий ва сиёсий жамоатчилиги томонидан энг кўп мурожаат этиладиган мавзулардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиши ва ундан кейинги шаклланиши масалаларига билан боғлиқ тадқиқотларга бўлган қизиқиш бу уларнинг назарий ва амалий жиҳатларининг долзарблиги билан боғлиқ. Шунингдек, бу энг аввало, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда “инсон омили”нинг аҳамияти ортиб бориши, оддий фуқаролар ва уларнинг ихтиёрий бирлашмаларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги роли ортиб бориши билан изоҳланади.

Ўзбекистоннинг глобализация жараёнларига интеграциялашув даражаси ҳақидаги жамиятшунос олимлар мунозараларига қарамасдан, жаҳонда жамиятнинг ўзлигини ўзгартириш муаммолари тобора долзарблашиб бормоқда. Бу улар билан, аксинча, уларнинг тараққиётга хос бўлган қарори билан, бугунги кунда мамлакатни ижтимоий иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш прогнозлари, дунёнинг муаммоларига жавоб бериш қобилияти, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий модернизацияни амалга оширишларини англатади. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти тузилмаларини шакллантириш истиқболлари, сиёсий институтларнинг фаолияти самарадорлиги, манфаатлар ва сиёсий иштирокни ифодалаш механизмларининг табиати ва ривожига боғлиқ.

Фуқаролик жамияти, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб, бу энг аввало ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топади. Бунда ижтимоий ҳаётнинг доимо тараққий этиб боришига катта эътибор қаратилади. Асосий мақсад инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа

жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва гуруҳлар ҳар бир инсонга ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар [1;2].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади [2; 28].

Фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларининг шаклланиши ва унинг самарали фаолият юритиши, нафақат аҳолининг юқори тарбиявий даражасини, балки унинг фуқаролик сиёсий маданиятининг юксалиш даражасини ҳам талаб этади. Бунинг ташқарисида бу мумкин эмас ва фуқаролик жамиятининг мавжудлиги ҳар қандай маънони йўқотади. Шу сабабли мамлакатимизда унинг ривожланиш тенденциялари, йўналишлари фуқаролик жамияти, фуқаролик маданияти ва фуқаролик онги ўртасида мавжуд бўлган муносабатларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Айни пайтда фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларини шаклланишида жамиятнинг ижтимоий интеграцияси, фуқаролик тартиби ва умумий манфаатни амалга оширишда шахсларнинг уйғунлиги жуда муҳимдир. Фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларини шаклланиши жараёнида фуқаролик онги турли ижтимоий-маданий омиллар таъсирида ўз мазмунини ўзгартиради, бу эса эркин фуқаролик ғоясининг ривожланишида табиий равишда ўз аксини топади [3; 18]. Уларнинг шаклланиши демократик ислоҳотлар даврида ва жамият тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларини шаклланишининг, юксалиш жараёнининг асосий шартларидан бирига айланди.

Фуқаролик жамиятини институционал асосларини шаклланиши давлатчилик ва жамият тараққиётининг тадрижий ривож билан ҳамнафас амалга оширилиб борилди. Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Жамиятимизда ривожланаётган ва тараққий этаётган янги иқтисодий тизим билан бир қаторда, фуқароларимизнинг сиёсий тафаккурида ҳам юксалиш кузатилди. У янги

йўналиш ва инновацион компонентлар билан мунтазам бойиб борди. Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда умумий тажрибаларга, миллий хусусиятларга асосланган ишлар амалга оширилди.

XX аср 90-йиллари бошидан бошлаб Ўзбекистон суверен давлатчилик асослари ва демократик принципларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзига хос, кўп асрлик давлатчилик анъаналари, миллий идентикликни сақлаган ҳолда босқичма-босқич ислохотларни амалга ошириш йўлини танлади. Собиқ иттифокнинг маъмурий-буйруқбозлик тузумидан халос бўлиш, янги тамоиллар асосида жамиятнинг институционал асосларини яратиш баробарида фуқаролик жамияти, аҳолини катта қисмини ташкил этувчи ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантириш ишлари ҳам стратегик тенденцион руҳда амалга оширила бошланди. Дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” [4;1-9] ги қонунини қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг тизимли амалга оширилишида бошланғич нуқта бўлди. Айнан, мазкур қонун доирасида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларини иштирокининг ҳуқуқий асослари шаклланди ва белгилаб қўйилди.

Мазкур қонунни қабул қилиниши натижасида Республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий, ахлоқий камол топиши учун ижтимоий шарт-шароит яратилди.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топишига қаратилган. Ёшларнинг иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашига боғлиқ.

Қонунда белгиланишича Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш қайд этилган. Шунингдек, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлай олишларига кафолат бериш, жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши, ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва фуқаролик

масъулиятининг бирлигини таъминланишини асосий қоида сифатида белгилаб берди [1; 7].

Мазкур қонун моҳиятан барпо этилаётган янги давлатчилик шароитларида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга фаолиятлари йўналишларига қараб шарт-шароит, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий имкониятларни яратилди. Жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашишнинг меъёрий механизмлари вужудга келди ҳамда бу ишларни амалга оширилишида тегишли давлат муассаса, ташкилот, корхонлари, нодавлат секторни масъуллигини мустаҳкамлади. Шу билан бир қаторда, ушбу қонун фуқаролик жамияти институлари фаолиятини йўлга қўйишда асос юридик ҳужжат вазифасини ўтади.

## НАТИЖАЛАР

Бугунги кунга қадар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритиши учун қонунчилик асослари мазкур соҳага қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар жумласига «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991 й.), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (1999 й.), «Жамоат фондлари тўғрисида»ги (2003 й.), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 й.), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 й.) қонунлар, “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (2021 й.)ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор [5; 7] лари киради.

1991 йилда қабулланган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [6;1-8] фуқаролик жамияти субъектлари фаолиятини тизимли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, давлат ва нодавлат жамоат бирлашмаларини ташкил этилиши, уларнинг фаолияти ва турлари, ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Мазкур қонунга кўра, жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш таъкидланди. Фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш, касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш лозимлиги қайд этилди. Жамиятда бадий ижодкорликни ривожлантириш, аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий,

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини амалга ошириш вазифаси белгиланди. Атроф муҳитни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилишини ҳуқуқий нуқтаи-назардан мустаҳкамлади.

Фуқаролик жамияти ривожини, унинг институларини шакллари, тузилмаларини такомиллашиб бориши, фаолияти доирасини тобора ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб бориши объектив жараён дир. Шунинг учун, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб бораётган фуқаролик институларининг замонавий, биз учун янги бўлган ва миллийлик тамойилларимиздан тубдан фарқ қилувчи шакл ва турлари билан интеграциялашуви соҳада ҳуқуқий асосларни такомиллашувини талаб этарди. Эндиликда, ушбу ижтимоий институлар, уларнинг фаолиятини тартибга солиш, ютуқли тажрибаларни жамиятда қўллаш, ўзлаштириш вақти келди ва 1999 йили 14 апрелда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [7; 3-4] қабул қилинди. Мазкур қонун билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солинди.

XX аср 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашиб борди. Халқаро муносабатлар доирасида мамлакатимизнинг халқаро жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва фондлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилди. Жумладан, улар билан халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида иш юритишни тизимлаштириш ва бунда давлат манфаатларини устуворлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этди. Қолаверса, ушбу жараёнда халқаро муносабатларда тарнсмиллий корпорациялар ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ошиб борди. Ана шундай шароитда жамоат фондларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш [8;1-10] зарурати вужудга келди. Шу мақсадда, қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунда халқаро фондлар мақоми, уларнинг давлат ташкилотлари билан муносабатлари, мазкур фондларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари белгиланди. Мазкур қонун фуқаролик жамиятини асосий белгиларидан бири бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлган халқаро

фондларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги фаолиятини нормативлаштирди.

2010 йилдаги концепцияни [9; 1-21] қабул қилиниши Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари янги ривожланиш босқичда ривожланиш сари қадам қўйганлигини англатади. Мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш зарурати вужудга келди. Мана шу вазифаларни бажарилишини ҳуқуқий мувофиқлаштирилишига 2014 йилда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун [10;1-17] бажарди. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида мувофиқлаштирув, уларнинг ва давлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, бу тизимли фаолиятни қонуний асосларини шаклланишида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун [11; 1-9] муҳим роль уйнади.

Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2021 йилда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори [5; 1-7] муҳим ўрин тўтади.

## МУҲОКАМА ВА ТАҲЛИЛЛАР

Тараққиётнинг янги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокчи ва ҳамкор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда улар фаолияти учун зарур бўлган қулай шарт-шароитлар яратиш ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Қолаверса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамият қурилишини

такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган. Мазкур ишларни амалга ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Шу асосида Парламент ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ташкил этилиб, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши ўзига хос ижобий ҳодисадир. Мазкур Фонд томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича молиялаштириш 2008 йил 2,5 млрд сўмдан 2017 йилда 16 млрд сўмгача ошиб борди [12;1]. Албатта, молиялаштиришнинг бу хажми эҳтиёжни қондиради деб таъкидлаш ўринсиз. Бироқ, мазкур молиялаштириш механизмнинг жорий этилиши ННТ лар ривожига, улар фаолиятини амалда катта натижаларга сабаб бўлишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқарув – маҳаллалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бу институтнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бўғини сифатида шакллантириш, унинг учун зарур моддий ва молиявий шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда, республикада маҳаллалар сони 10 минга яқинни ташкил этмоқда [13;1].

Шунингдек, мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари сон жаҳатдан ҳам ўсиб борди ва 2018 йил ҳолатига Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 30 таси халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари эди [14;1]. 1991-2018 йилларда давомида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 95 тадан 9235 тагагача ошиб борган [15;2]. Хусусан 2019 йил 1 январь ҳолатига 9 860 та ҳамда 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 10462 та ННТ рўйхатидан ўтказилган [16;1].

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, қўллаб халқаро экспертлар мустақиллик даврида Ўзбекистонда демократик ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларини маълум маънода, тўлақонли шаклланганлигига ва унинг бугунги ҳолати ва унинг истиқболига шубҳа билан қарашмоқда. Буни мамлакатимизда демократия ва демократик принципларнинг

мавжудлиги билан боғлашмоқда. Бунга сабаб сиёсий демократик эркинликлар даражасини ифодаловчи белгиловчи турли халқаро рейтингларда мамлакатимиз ҳам етакчи ўринларда эмаслигидир. Баъзилар буни ҳокимият ва бизнеснинг “бирлашуви” билан тушунтирса, бошқалар эса уни миллий менталитетнинг ўзига хос жиҳатлари билан изоҳлашади. Жуда оммалашган нуқтаи назар шуки, Ўзбекистонда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан фарқли равишда XX аср охирида демократияга ўтиш “қадриятлар инқилоби” билан бирга бўлмаган. Аксарият юртдошларимиз асосан Шимолий Америка ва Ғарбий Европадаги демократик сиёсий режимлар, мамлакатимизда мавжуд бўлган қатағонлик тузумдан кўра иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий кафолатлар жиҳатидан самаралироқ эканидан келиб чиққан. Аммо демократиянинг ўзи аҳоли турмуш даражасини тез ўсишига кафолат бермайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида, таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожини тадрижийлик асосида, дунёдаги ривожланиш тенденцияларига босқичма-босқич етишиб бориш назарда тутилган ҳолда фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда ва амалиётда ўзгаришлар жорий этиб борилмоқда.

## REFERENCES

1. Саидов С. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг баъзи мезонлари. 16 сентябрь 2018 йил. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/2946/>.
2. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б.247
3. Civil Society After Communism: Rival Visions. Vaclav Havel and Vaclav Klaus with Commentary by Petr Pithart // Journal of Democracy. 1996. Vol. 7. No. 1. P. 18.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуни. 1991 йил 20 ноябрь, 429-ХП-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 80-модда. (4-5)
5. “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 03.03.2021 йилдаги ПҚ-5012-сон. (12)
6. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. N223-ХП. 15.02.1991 й.

7. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда. 763-І-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 29 август., 527-ІІ-сон.
9. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. 2011 йил 14-январ. Ф-3562-сон. <https://lex.uz/docs/2269329?twolang=1>.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 25 сентябрь, ЎРҚ-376-сон.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни. 12.04.2018 й. НЎРҚ-474.
12. Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси. <http://www.fundngo.uz/uz/publications/item/224-fu-arolik-zhamiyatini-shakllanishida-nodavlat-tashkilotlarining-rni.html>.
13. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар йиғинларининг ҳудудлар кесимидаги статистик жадвали Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республикаси кенгашининг расмий маълумоти асосида тузилган. [Электрон манба] <https://mahallakengashi.uz> .
14. Нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотномаси. <http://www.minjust.uz/uz/activity/nnosphere/89267/?print=Y>.
15. Жадвал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазарлиги маълумотлари асосида шакллантирилган. <http://www.minjust.uz>.
16. Фуқаролик жамияти институтлари қандай ишламоқда? <https://zamin.uz/jamiyat/62128-fuqarolik-jamiyati-institutlari-qanday-ishlamocda.html>.